

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ЭЛЛЕУС

Препаратнинг савдо номи: Эллеус

Таъсир этувчи модда (ХПН): L - лизин, Эсцин

Дори шакли: инфузия учун эритма тайёрлашга концентрат.

Таркиби:

Бир ампула куйидагиларни сақлайди:

фаол модда: L – лизин – 0,12 мг; Эсцин – 0,88 мг;

ёрдамчи моддалар: 96% ли этанол, пропиленгликоль, инъекция учун сув.

Таърифи: тиниқ, рангсиз суюқлик.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Ангиопротекторлар. Капиллярларнинг ўтказувчанлигини пасайтирувчи препаратлар.

АТХ коди: C05CX

Фармакологик хусусиятлари

Препарат яллиғланишга қарши, шишларга қарши ва оғриқсизлантирувчи таъсир кўрсатади. Эллеус лизосомал гидролазаларнинг фаоллигини пасайтиради, бу капиллярлар деворида ва бириктирувчи мукополи-сахаридларни парчаланишини олдини олади, уларни ўраб олади, шу билан бирга ўтказувчанлиги юқори томир-тўқималарни нормаллаштиради ва антиэкссудатив (шишларга қарши), яллиғланишга қарши ва оғриқсизлантирувчи таъсир кўрсатади. Препарат қон томирларнинг тону- сини оширади, иммунитетни мувофиқлаштирувчи ва гипогликемик самара намоён қилади.

Фармакокинетика.

Ўрганилмаган.

Қўлланилиши.

Мажмуавий даволаш таркибида:

- жароҳатлардан ва/ёки операциядан кейинги турли локализациядаги юмшоқ тўқималарнинг шишлари;
- жароҳатлардан ёки операциядан кейинги келиб чиқадиган бош мия ёки орқа миyaning шишлари;
- шиш-оғриқ синдроми билан кечадиган периферик веноз қон айланишининг бузилиши.

Қўллаш усули ва дозалар.

Препарат қатъий вена ичига (артерия кон томирига юборилмасин) суткалик дозада 5-10 мл секин юборилади. Вена ичига томчилаб юбориш тавсия этилган. Инфузион эритма тайёрлашда Эллеусни натрий хлориднинг 15-50 мл 0,9% ли эритмасида суюлтирилади, Беморни ҳаётига хавф солувчи ҳолатларда (ўткир бош мия жароҳатлари, операциядан кейинги шишиш кўринишлари бўлган бош ва орқа мия шишлари, юмшоқ тўқималар ва таянч-харакат аппаратининг катта жароҳатлари натижасида катта ўлчамли шишлик) суткалик дозани 2 юборишга бўлиб 20 мл гача оширилади.

Катталар учун максимал суткалик доза - 25 мл ни ташкил этади. Болаларда бир марталик доза: 1-5 ёш - 1 кг тана вазнига 0,22 мг; 5-10 ёш - 0,18 мг/кг; 10 ёш ва ундан катталарга - тана вазнига 0,15 мг/кг Эллеусни ташкил қилади.

Препарат суткада 2 марта юборилади.

Даволаш курсининг давомийлиги - беморнинг ҳолати ва даволашни самарадорлигига қараб 2 кундан 8 кунгача ташкил қилади.

Ножўя таъсирлари.

Алохида пациентларда Эллеусга нисбатан индивидуал юқори сезувчанликда қуйидаги ножўя таъсирлар юзага чиқиши мумкин:

аллергик реакциялар: тери тошмаси (папулёз, петехиал, эритематоз), қичишиш, терини гиперемияси, гипертермия, эшакеми, якка холларда-Квинке шиши, анафилактик шок;

марказий ва периферик нерв тизими томонидан: бош оғриғи, бош айланиши, тремор, парестезия, якка холларда - лапанглаб юриш, мувозанатни бузилиши, қисқа муддатли хушни йукотиш;

жигар ва билиар тизими томонидан: трансaminaза ва билирубин даражасини ошиши;

меъда-ичак йуллари томонидан: кўнгил айнаши, якка холларда - қусиш, диарея, қоринда оғриқ;

юрак қон томир тизими томонидан: артериал гипотензия, артериал гипертензия, тахикардия, кўкрак қафасида оғриқ;

нафас аъзолари томонидан: якка холларда - хаво етишмаслик хисси, хансираш, бронхообструкция, курук йутал;

махаллий реакциялар: вена ичига юбориш мобайнида ачишиш хисси, флебит, юборилган жойда оғриқ ва шиш;

бошқалар: умумий холсизлик, эт увушиши, қизиб кетиш хисси, белда оғриқ, кўп терлаш.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Эллеусга ва/ёки препаратни бошқа компонентларига юқори сезувчанлик;
- нотурғун кечувчи гемодинамика билан кечувчи қон кетишини фаол давом этиши;
- буйрак функциясини оғир бузилишлари;
- жигар функциясини оғир бузилиши;
- хомиладорлик;
- эмизиш даври;
- 1 ёшгача бўлган болалар.

Дориларнинг ўзаро таъсири.

Эллеус билан даволашда кўрсатмаларга мувофик бошқа дори воситалари (яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи, микробларга қарши) ни буюриш мумкин. Нефротоксикликни ошиши мумкинлиги туфайли препаратни аминогликозидлар билан бир вақтда қўллаш керак эмас. Дори воситани таркибига 96% ли этил спирти киради. Этил спирти бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсирини ҳисобга олиш зарур.

Махсус кўрсатмалар.

Эллеусни буюришдан олдин ўтказилган узоқ муддатли антикоагулянтлар билан даволаш холларида ёки зарурат бўлганида Эллеус ва антикоагулянтлар бир вақтда қўлланиганида охиригининг дозасига тузатиш киритиш (дозани камайтириш) ва протромбин индексининг назорат қилиш керак. Препарат буюрилганида гепатохолецистити бўлган айрим беморларда трансaminaза ва билирубин (эркин францияси) фаоллигини қисқа муддатли ошиши кузатилиши мумкин, бу беморлар учун хавф туғдирмайди ва препаратни бекор қилиш талаб этилмайди.

Хомиладорлик ёки эмизиш даврида қўлланиши

Препаратни хомиладорлик ёки эмизиш даврида қўллаш мумкин эмас (даволаш вақтида эмизишни тўхтатиш керак).

Автотранспортни бошқариш ва бошқа механизмлар билан ишлаш реакция тезлигига таъсир қилиш қобилияти

Ҳозирги вақтда хабарлар йук, бироқ препаратни қўллаганда нерв тизими томонидан тахмин қилинган ножўя реакциялар ривожланишини мумкинлигини инобатга олиш керак.

Болалар: 1 ёшгача бўлган болаларда, препаратнинг таъсирига сезувчанлик нисбатан юқорироқ бўлиш эхтимоли туфайли, уларда эхтиёткорлик билан қўллаш лозим.

Дозани ошириб юборилиши.

Симптомлари: қизиб кетиш, тахикардия, меноррагия, кўнгил айнаши, жиғилдон қайнаши, эпигастрияда оғриқ.

Даволаш: симптоматик даволаш.

Чиқарилиш шакли.

Вена ичига юбориш учун эритма тайёрлаш учун концентрат 1мг/мл. 5мл дан ампулаларга қуйилади. 5 та ампула поливинилхлорид контур уяли ўрамга жойлаштирилади. Битта, иккита ёки бешта поливинилхлорид контур ўрам қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга картон қутига жойлаштирилади.

Сақлаш шароити.

Оригинал ўрамда, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25⁰С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати.

2 йил.

Яроқлилик муддати ўтгандан кейин қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби.

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи: / Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили.

МЧЖ «UZGERMED PHARM» ҚК, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Юқори-Чирчиқ тум. Борданкўл ҚФЙ.

Тел.: (8370) 202-60-06, факс: (8370) 983-62-62,

Электрон почта: info@ugp.uz, веб-сайт: www.ugp.uz